

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

**ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ
КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН
СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ**

2018 йил IV чорак

Тошкент 2019 й.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| КИРИШ | 3 |
| I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ | 4 |
| II. РЕЗЮМЕ..... | 6 |
| III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ..... | 8 |
| 3.1. Умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши | 8 |
| 3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархлари ўзгариши..... | 12 |
| 3.3. Ташқи иқтисодий фаолият | 14 |
| 3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати..... | 17 |
| 3.5. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати | 18 |
| 3.6. Инвестицион фаолият | 20 |
| 3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари..... | 21 |
| 3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши..... | 22 |
| IV. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИНГ КУТИЛМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ | 24 |
| 4.1. Ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва нархлар ўзгариши..... | 24 |

КИРИШ

2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўров ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу билан реал сектор корхоналари кузатувининг 2018 йилнинг IV чорак якунлари бўйича натижалари тақдим қилинмоқда.

Мазкур сўровни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолатни ва ўзгаришларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг мамлакат иқтисодиётидаги жараёнлардаги кутилмаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўровнома шакли қатор хорижий марказий банклар, шу жумладан Россия Федерацияси Марказий банки, Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва бошқа МДҲ давлатлари марказий банклари тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, жами **46** та саволни ўз ичига қамраб олган. Улар қуйидаги 5 та бўлимга мужассамлаштирилган:

- умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш;
- корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати;
- маҳсулотлар (ишлар, товар ва хизматлар) нархларининг шаклланиши;
- корхоналарнинг инвестицион фаолияти;
- корхоналарнинг яқин истиқболдаги кутилмалари.

Мазкур сўров ҳар чорак якуни бўйича Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари томонидан сўровнома шакллари бевосита корхона ва ташкилотларга тарқатиш орқали ўтказиб борилади.

I. СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ

2018 йил IV чораги якуни бўйича ўтказилган сўровда жами 433 та корхона ва ташкилотлар қамраб олинган бўлиб, уларнинг 112 таси (25,8 фоизи) озиқ-овқат саноати, 58 таси (13,4 фоизи) енгил саноат, 55 таси (12,7 фоизи) савдо ва умумий овқатланиш, 38 таси (8,7 фоизи) қурилиш материаллари саноати, 31 таси (7,2 фоизи) тиббий хизмат соҳаси, 29 таси (6,7 фоизи) туризм соҳаси, 27 таси (6,3 фоизи) транспорт соҳаси, 27 таси (6,3 фоизи) қурилиш ишлари соҳаси, 11 таси (2,5 фоизи) кимё саноати, 10 таси (2,5 фоизи) нефть-газ саноати ҳамда қолган 35 таси (8 фоизи) электроэнергетика, донни қайта ишлаш, тоғ-кон саноати, автомобиль саноати, фармацевтика ва кабель маҳсулотлари тармоқларида фаолият юритади (1-расм).

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)




Хусусан, сўровни ўтказиш жараёнида республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзқурилишматериаллари” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзшаробсаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Ўзэлтехсаноат” АЖ таркибига кирувчи корхоналар ҳамда «Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати» АЖ, «Навоий тоғ-кон металлургия комбинати» ДУК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК каби йирик корхона ва ташкилотлар ҳам қамраб олинди.

Ҳудудлар кесимида, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотлар умумий сонига Тошкент шаҳрининг улуши қарийб 10 фоизни, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари улуши мос равишда 9,2 ва 9 фоизни, Фарғона вилояти улуши 8,1 фоизни, Қашқадарё вилояти улуши 7,6 фоизни, Бухоро вилояти улуши 6,9 фоизни, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Навоий вилоятлари улуши 6,7 фоизни ташкил қилади (2-расм).

2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(корхоналар сони)



Сўров доирасида республика ҳудудлари иқтисодиётидаги жорий ҳолатни ва ўзгаришларни тўлақонли ва сифатли баҳолаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётининг деярли барча асосий тармоқлари ва ҳар бир тармоқ бўйича камида 2 тадан корхона (ташкilot) сўровда қатнашиш учун танлаб олинган.

II. РЕЗЮМЕ

2018 йилнинг IV чораги якунлари бўйича реал сектор корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари мазкур чорак давомида мамлакатда умумий иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши билан боғлиқ тенденцияларнинг сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, респондентларнинг 74 фоизи 2018 йилнинг IV чораги мобайнида умумий иқтисодий ҳолатнинг III чоракка нисбатан яхшиланганини, 65 фоизи маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмларининг ва 49 фоизи экспорт ҳажмининг ошганлигини маълум қилган.

Шу билан бирга, сўров натижалари IV чоракда мамлакатда иқтисодий фаоллик даражасининг айрим кўрсаткичлар бўйича III чоракка нисбатан сустралганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўров давомида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг сақланиб қолаётганлигини маълум қилган респондентлар улушининг III чоракдаги 49 фоиздан IV чоракда 59 фоизгача ошганлиги ҳамда янги иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улушининг 37 фоиздан 32 фоизгача камайганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг **мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати** нисбатан ёмонлашган бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80 фоиздан паст бўлган корхона ва ташкилотлар улуши III чоракдаги 61 фоиздан IV чоракда 64 фоизгача ошган.

Ушбу кўрсаткичнинг ўтган чоракка нисбатан пасайиши асосан электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг III чоракка нисбатан кескинлашганлиги билан изоҳланган.

Ўз навбатида, мазкур ҳолат иқтисодиётда энергия манбалари истеъмол ҳажмининг мавсумий ошиши ҳисобига шаклланган қўшимча талабнинг тўлиқ қондирилмаётганлиги билан ҳам боғлиқ.

Хусусан, **табиий газ таъминоти** билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши III чоракдаги 26 фоиздан IV чоракда 33 фоизгача, **электр энергияси таъминоти** билан боғлиқ муаммолар

мавжудлигини маълум қилган респондент корхона ва ташкилотлар улуши эса, III чорақдаги 32 фоиздан IV чорақда 41 фоизгача ошган.

Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омилларни ўрганиш натижалари бу борада энергия манбалари нархларининг юқорилиги асосий омиллардан бири бўлиб, бунда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида энергия манбалари нархларининг юқорилигини маълум қилган респондентларнинг улуши III чорақдаги 21 фоиздан IV чорақда 27 фоизгача ошган.

Шунингдек, сўров натижалари жорий йилнинг IV чорағида ўз маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) нархларини оширган корхона ва ташкилотлар улуши III чорақдаги 54 фоиздан IV чорақда 58 фоизгача кўпайганлигини кўрсатди. Бунда, респондент корхона ва ташкилотлар томонидан нархлар ўсишининг асосий сабаби сифатида электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи маҳсулотлари нархларининг ошиши маълум қилинган.

2018 йилнинг IV чорағи мобайнида **корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллиги** (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) деярли ўзгаришсиз III чорақ даражасида сақланиб қолган бўлиб, инвестицион харажатларни амалга ошираётган респондентларнинг улуши 32 фоизни (III чорақда 33 фоизни) ташкил қилган.


Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг 2019 йил якуни бўйича кутилмалари ижобий шаклланган бўлиб, жорий йил якуни бўйича респондентларнинг 78 фоизи ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошишини, 77 фоизи экспорт ҳажмининг ошишини, 70 фоизи маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талабнинг ошишини ҳамда 44 фоизи инвестициялар ҳажмининг ошишини кутаётганлигини маълум қилган.

III. ЖОРИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ

3.1. Умумий иқтисодий ҳолат ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши

2018 йилнинг IV чораги мобайнида **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши** юзасидан олинган жавоблар, ишлаб чиқариш ҳажмлари реал ҳисобда ошган корхона ва ташкилотлар улуши III чорақдагидек 65 фоиз даражада сақланиб қолганлигини, ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайганлигини маълум қилган респондентлар улуши эса III чорақдаги 7 фоиздан сўнгги чорақда 13 фоизгача кўпайганлигини кўрсатди (3-расм).

3-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши




Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмларининг ошиши тоғ-кон саноатида ҳамда автосаноатда корхона ва ташкилотларнинг 100 фоизида (III чорақда 100 фоизида), нефть-газ саноатида 70 фоизида (III чорақда 40 фоизида), электроэнергетика соҳасида 80 фоизида (III чорақда 75 фоизида), кимё саноатда 79 фоизида (III чорақда 69 фоизида), тиббий хизмат соҳасида эса 63 фоизида (III чорақда 55 фоизида) кузатилган.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиш даражаси ўрганилганда, респондентларнинг 20 фоизида ишлаб чиқариш ҳажмлари 1-4 фоиз

оралиғида, 20 фоизда 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 25 фоизда 9-12 фоиз оралиғида ошганлиги маълум бўлди (4-расм).

4-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми ошиш кўрсаткичларининг тақсимланиши



Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмлари ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши енгил саноатда III чорақдаги 69 фоиздан сўнги чорақда 66 фоизгача, транспорт хизмати соҳасида 74 фоиздан 46 фоизгача, қурилиш хизматида 65 фоиздан 59 фоизгача ва туризм хизматлари соҳасида 71 фоиздан 59 фоизгача камайган.


Сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг 56 фоизи (III чорақда 59 фоиз) сўнги чорақ мобайнида **маҳсулотларга (ишлар, хизматларга) талабнинг ошганлигини**, 12 фоизи (III чорақда 8 фоиз) талабнинг камайганлигини маълум қилганлиги ўз навбатида IV чорақ давомида иқтисодиётда ялпи талаб ўсиш суръати нисбатан сустлашганлигини аниқлатади.

Шу билан бирга, сўров доирасида **республикадаги иқтисодий ҳолатнинг ўзгаришига** респондент корхона ва ташкилотларнинг муносабати ўрганилганда, уларнинг 74 фоизи (III чорақда 75 фоиз) сўнги чорақда умумий иқтисодий ҳолатнинг яхшиланганини маълум қилган.

Хусусан, умумий иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши тармоқлар кесимида таҳлил қилинганда, унинг яхшиланганлигини маълум қилган респондентлар улуши автомобиль саноатида III чорақдаги 67 фоиздан IV чорақда 83 фоизгача, кимё саноатида 62 фоиздан 79 фоизгача, тоғ-кон саноатида 60 фоиздан 75 фоизгача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 71 фоиздан 75 фоизгача, қурилиш ишлари

соҳасида 65 фоиздан 70 фоизгача ошган бўлса, енгил саноатда 81 фоиздан 76 фоизгача, озиқ-овқат саноатида 76 фоиздан 72 фоизгача, тиббий хизмат соҳасида 80 фоиздан 65 фоизгача ҳамда транспорт хизмати соҳасида 78 фоиздан 73 фоизгача пасайган (5-расм).


5-расм. Мамлакатда иқтисодий ҳолатнинг яхшиланганлигини маълум қилган респондентларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



Шунингдек, сўровнома натижалари **ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг** (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) ошганлигини маълум қилган корхона ва ташкилотлар улушининг III чорақдаги 12 фоиздан IV чорақда 15 фоизгача ошганлигини ҳамда хатарларнинг камайганлигини маълум қилган респондентлар улушининг 51 фоиздан 42 фоизгача пасайганлигини кўрсатди (6-расм).

Шунингдек, сўров доирасида **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар** ўрганилган бўлиб, сўров натижалари энергия манбалари нархларининг юқорилигини сабаб сифатида кўрсатган респондентлар сонининг ошганлигини кўрсатмоқда.

6-расм. Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Хусусан, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида энергия манбалари нархларининг юқорилигини маълум қилган респондентларнинг улуши III чоракдаги 21 фоиздан IV чоракда 27 фоизгача ҳамда бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитларни маълум қилган респондентлар улуши 16 фоиздан 21 фоизгача ошган.

7-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар




Шунингдек, хом-ашё материаллари нархларининг юқорилиги, бозордаги носоғлом рақобат муҳити ва шароитлар, корхона маҳсулотларига (иш, хизматларига) бўлган талабнинг етарли даражада эмаслиги айтилиб вақтда ишлаб чиқаришни оширишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бўлиб қолмоқда (7-расм).

Тармоқлар кесимида эса энергия манбалари нархларининг юқорилиги енгил саноатда респондентларнинг 36 фоизда, донни қайта ишлаш саноатида 33 фоизда, кимё саноатида 31 фоизда, қурилиш материаллари саноатида респондентларнинг 29 фоизда, озиқ-овқат саноатида 25 фоизда, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 27 фоизда, хом-ашё нархларининг юқорилиги эса нефть-газ саноатида респондентларнинг 56 фоизда, озиқ-овқат саноатида 45 фоизда, енгил саноатда 48 фоизда ҳамда қурилиш ишлари соҳасида 35 фоизда ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишга тўсқинлик қилаётган омил сифатида қайд этилган.

3.2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархлари ўзгариши


Сўров доирасида корхона ва ташкилотларда **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг ўзгариши** ўрганилганда, ўз маҳсулотлари нархларини оширган корхона ва ташкилотлар улушининг III чорақдаги 54 фоиздан IV чорақда 58 фоизгача, нархларини пасайтирган корхона ва ташкилотлар улуши эса 5 фоиздан 6 фоизгача кўпайганлиги маълум бўлди (8-расм).

8-расм. Маҳсулот сотиш нархининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Бунда, нархларнинг ўсишини 1-16 фоиз оралиғида қайд этган респондентлар улуши III чорақдаги 88 фоиздан IV чорақда 77 фоизгача камайган бўлса, 17 фоиздан юқори миқдорда оширган респондентлар улуши эса 12 фоиздан 23 фоизгача ошган (9-расм).

9-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотиш нархи ўсиши кўрсаткичлари




Тармоқлар кесимида қаралганда, корхона ва ташкилотларнинг нефть-газ саноатида 90 фоизида, донни қайта ишлаш саноатида 89 фоизида, электроэнергетика соҳасида 80 фоизида, озиқ-овқат саноатида 72 фоизида, кимё саноатида 53 фоизида, қурилиш материаллари саноатида 46 фоизида, енгил саноатда 45 фоизида, қурилиш хизмати соҳасида 78 фоизида, транспорт соҳасида 62 фоизида, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 58 фоизида нархларнинг III чорақка нисбатан ошганлиги қайд этилган.

Шунингдек, IV чорақ мобайнида **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ошишини маълум қилган респондентлар улуши** III чорақдаги 58 фоиздан 63 фоизгача кўпайган бўлиб, таннарх ошишига асосий сабаб сифатида электр энергияси, табиий газ ва бошқа ёқилғи нархларининг ошишини кўрсатган корхона ва ташкилотлар улуши 44 фоиздан 67 фоизгача ошган (10-расм).

Шу билан бирга, IV чорақ мобайнида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ўсишига хом-ашё нархларининг ва иш ҳақи харажатларининг ошиши ҳам таъсир кўрсатган.

10-расм. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархининг ошишига сабаб бўлган омиллар бўйича жавобларнинг тақсимланиши




3.3. Ташқи иқтисодий фаолият

Сўров натижалари сўнгги чорақда экспорт фаолияти билан шуғулланган респондент корхона ва ташкилотлар улушининг III чорақдаги 35 фоиздан 32 фоизгача камайганлигини кўрсатди.

Бунда, тармоқлар кесимида қаралганда, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улушининг сўнгги чорақда III чорақка нисбатан камайиши, асосан енгил саноатда, озиқ-овқат саноатида, кимё саноатида ҳамда транспорт хизмати соҳасида юзага келган.

11-расм. Экспортёр корхона ва ташкилотлар экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) улуши




Шу билан бирга, экспортёр корхона ва ташкилотлар экспорт қилаётган маҳсулотларнинг (ишлар, хизматларнинг) жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги улуши ўтган чоракка нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган бўлиб, IV чоракда сўровда қатнашган экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг 70 фоизида (III чоракда 71 фоизида) экспорт ҳажмининг жами ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (хизматлар) ҳажмидаги улуши 40 фоиздан ошмаган (11-расм).

Шунингдек, сўнги сўров натижалари, 2018 йилнинг IV чораги мобайнида реал сектор субъектлари экспорт фаолиятининг аввалги чоракка нисбатан сустлашганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, **маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмининг** ошганлигини маълум қилган экспортёр корхона ва ташкилотларнинг улуши III чоракдаги 50 фоиздан IV чоракда 49 фоизгача камайган бўлса, экспорт ҳажмининг камайганлигини қайд этган респондентларнинг улуши 12 фоиздан 16 фоизгача ошган (12-расм).


Хусусан, тармоқлар кесимида қаралганда экспорт ҳажмининг IV чоракда III чоракка нисбатан камайганлигини маълум қилган корхоналар асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш соҳасида, енгил саноатда, кимё саноатида, транспорт хизмати соҳасида ҳамда туризм хизмати соҳасида кузатилган.

12-расм. Экспорт ҳажмларининг ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Экспорт ҳажмининг ўсиши IV чорақда экспортёр корхона ва ташкилотларнинг 50 фоизда 1-8 фоиз оралиғида (III чорақда 44 фоизда), 27 фоизда эса 9-16 фоиз оралиғида (III чорақда 35 фоизда) кузатилган (13-расм).

13-расм. Экспорт ҳажмларининг ўсиши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар ўрганилганда, сўров натижалари ташқи бозорларда талабнинг пастлиги, ички транспорт харажатларининг юқорилиги ҳамда маҳсулотларни (иш, хизматларни) экспорт қилиш тартиб-тамойилларининг мураккаблиги билан боғлиқ ҳолатнинг нисбатан ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.

14-расм. Экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар бўйича жавобларнинг тақсимланиши




Хусусан, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида ташқи бозорларда маҳсулотга талабнинг пастлигини маълум қилган респондентларнинг улуши III чорақдаги 17 фоиздан IV чорақда 24 фоизгача ҳамда экспорт қилиш тартиб-тамойилларнинг мураккаблигини маълум қилган респондентлар улуши 14 фоиздан 16 фоизгача ошган (14-расм).

Шу билан бирга, экспорт ҳажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида транспорт харажатларининг юқорилигини ҳамда ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини кўрсатган респондентлар сони III чорақка нисбатан камайган.

3.4. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили сўнгги чорақда бу борадаги ҳолатнинг нисбатан ёмонлашганлигини, хусусан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 80 фоиздан паст бўлган корхона ва ташкилотлар улуши III чорақдаги 61 фоиздан 64 фоизгача ошганлигини кўрсатди (15-расм).


15-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг корхоналар бўйича тақсимланиши



Бунда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80 фоиздан паст эканлигини маълум қилган респондентлар улуши энгил саноатда 57 фоиздан 64 фоизгача ва озиқ-овқат саноатида 66 фоиздан 71 фоизгача кўпайган.

Ушбу кўрсаткичнинг ўтган чорақка нисбатан пасайиши асосан электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг III чорақка нисбатан кўпайганлиги билан изоҳланган (16-расм).

16-расм. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик сабабларининг тақсимланиши



Шунингдек, корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигининг асосий сабаблари сифатида хом-ашё таъминоти билан боғлиқ муаммолар (25 фоизида), ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг пастлиги (19 фоизида), айланма маблағлар танқислиги (15 фоизида) ҳамда инфратузилма билан боғлиқ муаммолар (5 фоизида) кўрсатилган.


Шу билан бирга, сўров натижалари айрим иқтисодиёт тармоқларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг IV чорақда III чорақка нисбатан сезиларли даражада яхшиланганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг 80 фоиздан паст эканлигини маълум қилган респондентлар улуши автомобиль саноатида III чорақдаги 50 фоиздан IV чорақда 33 фоизгача, қурилиш материаллари саноатида эса 72 фоиздан 61 фоизгача камайган.

3.5. Инфратузилма билан таъминланиш ҳолати

Сўров натижалари корхона ва ташкилотларнинг энергия манбалари билан таъминланиш ва инфраструктура объектларидан (автомобиль ва темир йўллар, сув ва канализация тармоқлари ва бошқалардан) фойдаланиш ҳолатининг аввалги чорақка нисбатан ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.


Хусусан, **табиий газ таъминоти** билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган корхоналар улуши III чорақдаги 26 фоиздан IV чорақда 33 фоизгача ошган (17-расм).

17-расм. Табиий газ билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, **электр энергияси таъминоти** билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини маълум қилган респондент корхона ва ташкилотлар улуши III чорақдаги 32 фоиздан IV чорақда 41 фоизгача ошган (18-расм).

18-расм. Электр энергияси билан таъминланганлик даражаси бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Юқоридаги ҳолат иқтисодиётда энергия манбалари истеъмол ҳажмининг мавсумий ошиши ҳисобига шаклланган қўшимча талабнинг тўлиқ қондирилмаётганлиги билан изоҳланади.


3.6. Инвестицион фаолият

2018 йилнинг IV чораги мобайнида **корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаоллиги** (ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ инвестицияларни амалга ошириш) деярли ўзгаришсиз III чорақ даражасида сақланиб қолган бўлиб, инвестицион харажатларни амалга оширган респондентларнинг улуши 32 фоизни (III чорақда 33 фоиз) ташкил қилган.

Бунда, айрим тармоқларда инвестицион фаоллик даражасининг нисбатан ошганлиги кузатилган бўлиб, асосий капиталга инвестицияларни амалга оширган корхона ва ташкилотлар улуши автомобиль саноатида III чорақдаги 50 фоиздан IV чорақда 83 фоизгача, кимё саноатида 46 фоиздан 57 фоизгача ҳамда енгил саноатда 41 фоиздан 47 фоизгача кўпайган (19-расм).

Шу билан бирга, юқоридаги кўрсаткич озиқ-овқат саноатида 34 фоиздан 30 фоизгача, қурилиш материаллари саноатида 31 фоиздан 29 фоизгача ҳамда электроэнергетика соҳасида 22 фоиздан 20 фоизгача камайган.

19-расм. Инвестициялар амалга оширилишининг иқтисодий тармоқлари бўйича ўзгариши



Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида корхона ва ташкилотларнинг 65 фоизи фойда ва ўз маблағларини (III чорақда 57 фоизи) ва 45 фоизи банк кредитларини (III чорақда 48 фоизи) кўрсатган.


Инвестицияларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад юзасидан олинган жавоблар деярли ўзгаришсиз қолган бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг 59 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш (III чорақда 59 фоиз), 52 фоизи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва самарадорлигини ошириш (III чорақда 53 фоизи) ҳамда 31 фоизи (III чорақда 26 фоиз) янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида асосий капиталга инвестицияларни амалга оширганлиги қайд этилган.

3.7. Кредитлаш шарт-шароитлари

Сўров натижалари 2018 йилнинг IV чорагида тижорат банкларидан кредит маблағлари жалб қилган корхона ва ташкилотларнинг улуши III чорақдаги 44 фоиздан 40 фоизгача пасайганлигини кўрсатмоқда.

Бунда, респондентларнинг **кредит олиш шартлари** бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари аввалги чорақка нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган. Хусусан, респондентларнинг 57 фоизи (III чорақда 58 фоиз) ҳисобот даврида кредит олиш шартларининг яхшиланганлигини, 31 фоизи (III чорақда 31 фоиз) ўзгармаганлигини, 13 фоизи эса (III чорақда 11 фоиз) қатъийлашганлигини кўрсатиб ўтган (20-расм).

20-расм. Тижорат банк(лар)идан кредит олиш шартлари ўзгариши бўйича жавобларнинг тақсимланиши



Шунингдек, IV чорақда респондент корхона ва ташкилотларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжи III чорақка нисбатан ошган бўлиб,


уларнинг 47 фоизи (III чорақда 43 фоизи) айна вақтда кредит олишга эҳтиёжи борлигини, 53 фоизи (III чорақда 57 фоиз) эса кредит олишга эҳтиёжи йўқлигини маълум қилган.

Хусусан, сўровда қатнашган корхона ва ташкилотларнинг энгил саноатда 62 фоизи, тоғ-кон саноатида ҳамда нефть-газ саноатида 50 фоизи, озиқ-овқат саноатида 47 фоизи ҳамда қурилиш ишлари соҳасида 59 фоизи тижорат банкларидан кредит маблағлари жалб қилишга эҳтиёжи борлигини маълум қилган.

3.8. Иш ҳақи ва бандликнинг ўзгариши

Сўров натижалари IV чорақда иқтисодиётда **янги иш ўринларини яратиш** жараёнининг III чорақка нисбатан бирмунча сустлашганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, сўров давомида янги иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши III чорақдаги 37 фоиздан IV чорақда 32 фоизгача камайган (21-расм).

21-расм. Иш ўринлари сони ўзгариши



Тармоқлар кесимида қаралганда:


- янги иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улушининг ошиши транспорт хизмати соҳасида корхона ва ташкилотларнинг 58 фоизида, қурилиш ишлари соҳасида 41 фоизида, тиббий хизмат соҳасида 35 фоизида, автомобил ҳамда донни қайта ишлаш саноатида 33 фоизида кузатилган;

- нефть-газ саноатида 70 фоизида, озиқ-овқат саноатида 66 фоизида, энгил саноатда 60 фоизида, кимё саноатида 57 фоизида, туризм хизматлари соҳасида 79 фоизида ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 60 фоизида янги иш ўринлари сонининг

ошганлигини маълум қилган респондентлар улуши III чорақ даражасида ўзгаришсиз сақланиб қолган.

Ҳисобот даврида **иш ҳақи миқдори**ни оширган корхона ва ташкилотларнинг улуши III чорақдаги 62 фоиздан IV чорақда 65 фоизгача кўпайган бўлиб, тармоқлар кесимида қаралганда иш ҳақини оширган респондент корхона ва ташкилотлар улуши донни қайта ишлаш саноатида 100 фоизни, электроэнергетика соҳасида 80 фоизни, енгил саноатда 72 фоизни, кимё саноатида 71 фоизни, қурилиш ишлари соҳасида 67 фоизни ва транспорт хизмати соҳасида 65 фоизни ташкил қилган (22-расм).

22-расм. Ўртача иш ҳақи миқдори ўзгариши



Мазкур иш ҳақи миқдорларининг корхона ва ташкилотлар миқёсида оширилиш даражаси таҳлил қилинганда, IV чорақ мобайнида иш ҳақи миқдорлари оширилган корхона ва ташкилотларнинг 29 фоизиди ўртача иш ҳақи 1-4 фоиз оралиғида, 41 фоизиди 5-10 фоиз оралиғида, 29 фоизиди 11-20 фоиз оралиғида оширилган.

IV. ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИНГ КУТИЛМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

4.1. Ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва нархлар ўзгариши

Марказий банк пул-кредит сиёсати чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда уларга зарур ҳолларда тегишли ўзгартиришларни киритиб бориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ўтган 2019 йил учун мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатларини баҳолаш мақсадида сўров доирасида корхона ва ташкилотларнинг яқин истиқболдаги иқтисодий кутилмалари ҳам ўрганилди.

Хусусан, 2018 йилнинг IV чораги якунлари бўйича ўтказилган сўров натижаларига кўра **2019 йил якуни бўйича:**

респондент корхона ва ташкилотларнинг **78** фоизида ишлаб чиқариш ҳажмларининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, респондент корхона ва ташкилотларнинг 13 фоизида ўсиш суръатининг 1-4 фоиз оралиғида, 21 фоизида 5-8 фоиз оралиғида, 28 фоизида 9-12 фоиз оралиғида ҳамда 22 фоизида 13-20 фоиз оралиғида бўлиши;

сўровда қатнашган экспортёр корхоналарнинг **77** фоизида экспорт ҳажмининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, корхона ва ташкилотларнинг 15 фоизида ўсиш суръатининг 1-4 фоиз оралиғида, 18 фоизида 5-8 фоиз оралиғида ҳамда 32 фоизида 9-12 фоиз оралиғида шаклланиши;

корхона ва ташкилотларнинг **44** фоизида инвестициялар ҳажмининг 2018 йилга нисбатан ошиши;

респондент корхона ва ташкилотларнинг **84** фоизида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) нархларининг 2018 йилга нисбатан ошиши, шу жумладан, корхона ва ташкилотларнинг 46 фоизида нархлар 10-15 фоиз оралиғида, 18 фоизида эса 20 фоиз ва ундан юқори бўлиши прогноз қилинмоқда.